

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/10.12.2019.I.16.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БАНК-МОЛИЯ АКАДЕМИЯСИ

Қўлёзма ҳуқуқида

УДК:

ҚУРБОНОВ МУХИДДИН АБДУЛЛАЕВИЧ

**«ЎЗБЕКИСТОНДА ДАВЛАТ МАҚСАДЛИ ЖАМҒАРМАЛАР
МАБЛАҒЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ВА ФОЙДАЛАНИШ
АМАЛИЁТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ»
(ПЕНСИЯ ЖАМҒАРМАСИДАН ТАШҚАРИ)**

08.00.07-Молия, пул муомаласи ва кредит

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Илмий даражасини олиш учун тайёрланган

ДИССЕРТАЦИЯ

**Илмий раҳбар:
и.ф.д., проф. Ш.А.Тошматов**

Тошкент - 2021

М У Н Д А Р И Ж А

КИРИШ.....	4
I-БОБ: ДАВЛАТ МАҚСАДЛИ ЖАМҒАРМАЛАРИНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ ВА ХОРИЖ ТАЖРИБАСИ.	15
1.1. Давлат мақсадли жамғармаларнинг шаклланиши ва унинг назарий асослари ҳамда Давлат мақсадли жамғармаларнинг иқтисодий моҳияти ва объектив зарурати.....	15
1.2. Ўзбекистонда Давлат мақсадли жамғармаларнинг шаклланиш тарихи ва унинг ҳуқуқий асослари.....	26
1.3. Нодавлат мақсадли жамғармаларининг молиявий активларини бошқаришда молиявий рискларни бошқаришнинг асосий хусусиятлари.....	49
1.4. Давлат мақсадли жамғармалари бўйича хориж тажрибаси ва ундан Ўзбекистон амалиётида фойдаланиш йўллари.....	58
<i>I боб бўйича хулосалар.....</i>	<i>73</i>
II-БОБ: ДАВЛАТ МАҚСАДЛИ ЖАМҒАРМАЛАР МАБЛАҒЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ВА ФОЙДАЛАНИШНИНГ АМАЛДАГИ ҲОЛАТИ ТАҲЛИЛИ.....	75
2.1. Бюджетдан ташқари маблағларнинг бюджетдан молиялаштириш усуллари ва уларнинг ўзига хос хусусиятларининг амалдаги ҳолати.....	75
2.2. Хусусийлаштириш жамғармаси маблағларини шакллантириш, мулкни Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришни ривожлантиришнинг амалдаги ҳолати.....	83
2.3. Мақсадли жамғармалар ресурсларидан самарали фойдаланиш ва бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан харажатлар йўналишларига инвестициялардан фойдаланишни амалдаги ҳолати.....	91
<i>II боб бўйича хулосалар.....</i>	<i>101</i>

III-БОБ: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МАҚСАДЛИ ЖАМҒАРМАЛАРИ МАБЛАҒЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ВА ФОЙДАЛАНИШ АМАЛИЁТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ..	102
3.1. Молиявий саводхонлик Давлат мақсадли жамғармалар инвестицион фаолиятини ривожлантириш омили сифатида.....	102
3.2. Давлат мақсадли жамғармалар фаолиятини такомиллаштириш йўллари.....	113
<i>III боб бўйича хулосалар.....</i>	<i>124</i>
ХУЛОСА.....	125
ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....	128

КИРИШ

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Ривожланган давлатларда аҳолисининг демографик ўзгариши, иқтисодиётнинг ривожланиши сари аҳолининг турмуш тарзи яхшиланиши натижасида уларнинг ўртача умр кўриш ёшининг ошиб бораётганлиги ва меҳнат фаолияти билан банд бўлган аҳолига нисбатан нафакахўрлар улушининг юқорилиги давлат мақсадли жамғармаларидан самарали фойдаланишнинг зарурий шarti ҳисобланади. Айрим тараққий этган мамлакатларда авлодлар бирдамлигига асосланган фондлар тизимидан жамғариб бориладиган нодавлат фондлар ташкил қилинганлиги ушбу мақсадли жамғармаларнинг самарадорлигини оширмоқда. Шунингдек, мақсадли жамғармалар молиявий даромадларини оширишда жамғарма маблағларининг инвестицион фаолиятини шакллантирилиши ва уларни самарали бошқариш механизмларининг яратилганлиги жамғармалар фаолиятига ижобий таъсир қилмоқда.

Ривожланаётган давлатларда мақсадли жамғармаларни бошқариш, молиявий ва инвестицион операцияларининг самарадорлигига қаратилган илмий тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Мазкур илмий тадқиқот ишларида мақсадли жамғармалар молиявий ресурсларининг самарадорлиги, кутилаётган рискларни баҳолаш ва бошқариш каби масалалар эмпирик таҳлиллар орқали очиб берилган. Бироқ, давлат мақсадли жамғармаларининг шакллари, турлари, уларнинг мақсадга мувофиқлиги, жамғармалар бўш турган пул маблағларининг инвестицион фаолиятга йўналтирилиши, хусусан евробондлар харид қилиши ва ушбу операциялар рискин баҳолаш ҳамда мақсадли жамғармалар фаолиятининг иқтисодиётни ривожлантиришдаги аҳамияти каби масалалар етарлича очиб берилмаган. Хусусан, давлат мақсадли жамғармалар шаклини кўпайтириш, солиқ тўловчилар учун уларнинг шаффофлиги таъминланлаш, давлат мақсадли жамғармаларга маҳаллий ва хорижий инвесторлар жалб этиш ҳамда ушбу жамғармалар даромад ва харажатларининг барқарорлигини таъминлаш каби